

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 42 (66271)
2000 йил 19 октябрь, пайшанба


Сотувда эркин нархда

ҚОНУНДА ҚЎРИҚЛАНГАН ҚЎРҒОНИМ - ОНА ТИЛИМ, МАНГУЛИК ЙЎЛЛАРИДА БАРБОНИМ - ОНА ТИЛИМ.

Мана, ўн бир йилдирки ўзбек тили - Давлат тили мақомида. Унинг ривожини учун бу даврда кўп ва хўб ишлар қилинмоқда. Энг олий даражадаги анжуманлар, иш ҳужжатлари ўзбек тилида олиб борилмоқда.

Таълим тизимида она тилимизнинг мавқеи кучайди. Жойларнинг эски топонимик номларини янгилаб, уларни миллий қадриятлар билан узвий боғлаб ўзгартирилди. Агар эсингизда бўлса, пойтахтимиздаги бош майдон Ленин номида эди. Бугун фахрланиб МУСТАҚИЛЛИК майдони деймиз. Туманларнинг номлари-чи? Киров, Куйбишев, Фрунзе, Оржоникидзе...лар Мирзо Улуғбек, Шайхонтохур, Бектемир, Юнусобод мақомига эга бўлди. Кўчалар, мактаблар, ҳатто метро бекатларига большевиклар номлари қўйилганди. Андижондаги 24-мактабни Бобур номи билан аташ эркин кўтарилганда қандай тўполонлар бўлгани ёдимда. Мустақиллик янги, адолатли, соғлом тафаккурга асосланган топонимик фаолиятга кенг йўл очди.

Она тилига Давлат тили мақоimini бериш тўғрисидаги Қонунни шўро тузуми емирилиши манбаида туғилган мустақил давлатлар орасида биз биринчи бўлиб қабул қилдик. Олий Кенгашнинг 1989 йил 21 ок-



айтдилар. Худди шу йиғилиш ва шу қатъий позиция - она тилимизнинг ҳаётида тарихий бурилиш нуқтаси бўлди. Қонун ижроси давлат миқёсида бўлганлиги учун Давлат Атамашунослик Қўмитаси вужудга келди. Қонунни ижтимоий тараққиёти, замон тажрибалари билан янада мукаммаллаштириш, унга айрим ўзгаришларни киритиш мақсадида 1995 йилнинг 21 декабрида Республика Олий Мажлиси мазкур Қонунни янги таҳрирда қабул қилди. Яъни, ўзбек тилини ўрганиш муддатлари узайтирилди, барча

ЭЛ БАЙРАМИ

Тил миллатнинг миллийлигини, унинг маънавиятини шакллантирувчи юксак воситадир. Шундай экан, ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми берилган кун, 21 октябрь санаси биз учун улуг ва муқаддас бўлмоғи озим.

Мен таълим олган Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги 21-ўрта мактабда ҳар йили тил байрами кўтаринки руҳда нишонланади. Фидойи ўқитувчиларимиз Гулсиной опа, Наргиза Қорабоева, Раънохон Эргашевалар байрам руҳида тadbир ташкиллаштириб, ўқувчиларда ўзбек тили, қадрдон она тилимизга бўлган ҳурмат ва меҳрни уйғотадилар.

Юқориде айтилганидек, тил байрами - эл байрами. Шу муносабат билан халқимизни, тилшунос олим ва ўқитувчиларни, хусусан, менга ўзбек тили ва адабиётдан таълим берган мўътабар устозларим: Дилфуза Усмонова, Ҳалима Ҳамроева, Бурхон Омонбоев ва Гулсиной опа, Наргиза опаларимни чин дилдан муборакбод этаман.

Ижодий имтиҳонни аъло ёзиб, олий ўқув юртига киришимга сабабчи бўлган бу устозларимга улкан миннатдорчилик билдираман. Шогирдлари бахтига доимо соғ-омон бўлсинлар. Тилини ўргатишдек шарафли меҳнатларида муваффақият тилаб қоламан.

Муножат МҮМИНОВА,
ЎзМУ журналистикасининг
2-курс талабаси

тябрдаги "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни истиқлолнинг илк қалдиригидан бири эди. Кучли момақалдироқдай майдонга келган бу Қонунни амалга ошириш ўша кунлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятда осон эмас эди. 90-йилларнинг бошида шундай вазиятда пойтахтимизда бўлиб ўтган бир мўътабар, йирик анжуманда Президентимиз қатъий тавсия билан мазкур қонун - халқ иродаси экани ва уни амалга ошириш кераклигини маълум қилдилар. Айрим баҳсли қарашларга ўткир ва чуқур ишонтирарли жавоб қилиб, 95 фойздан кўпроқ аҳолиси туб миллат бўлган мамлакатда унинг тили ҳам давлат тили мақомига эга бўлмоғи табиий ҳол эканлигини дадил туриб

раҳбар ходимлар ўзбек тилини билишлари албатта шарт, деган кескин молдадан воз кечилди. Тилимизнинг давлат мақомига эга эканлиги Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида таъкидланган.

Мен ёшларнинг нутқ маданиятига катта эътибор беришларини истар эдим. Чунки тилимизнинг софлиги нутқимизга чамбарчас боғлиқ. Узро хушмуомала бўлишлари, чала русча, чала ўзбекча аралаштириб сўзламасликлари лозим. Кўпроқ бадий китобларни мутолаа қилсалар тил бойлиги ҳам шу қадар ўсади. Чунки халқ энг аввало тил билан халқ. Ўзбек тилининг ўзлигини йўқотмайлик.

Мукаррама МУРОДОВА,
Ўзбекистонда хизмат



ЯШАР БУЛАЙМ

Она тилим, доно тилим,
Очиб бердинг равон йўлим.
Боболарим дилдан сўзлар,
Она мерос тилдан сўзлар.

Қадриятлар қайтиб келди,
Хур-хур озод еллар елди.
Уйлаганим, сўйлаганим,
Шод юракка гурур солди.

Истиқлолнинг шамоли бу,
Ёшу-қари камоли бу.
Ўзбекчадир тилим менинг!
Ўзбекистон элим менинг!

Ўз тилимга меҳр қўйиб,
Гапирарман суйиб-суйиб.
Ўзимники она сўзим,
Яшайман гурур туйиб...

Чўлпоний
МЕЛИҚУЗИЕВА

ДУНЁ ИЧРА БОР...

Навоийдек даҳо шоир,
Сенла қалам тебратган.
Увайсию Нодиралар,
Сенла бўстон яратган.
Она тилим, жон тилим,
Дунё ичра бор тилим!

Оташқалбли Чўлпонларинг,
Шеърларида сен борсан.
Қодирийлар қаламида,
Мангуликка сен ёрсан.
Она тилим, жон тилим,
Дунё ичра бор тилим!

Мен ҳам сени қуёш билиб,
Ишқингда битсам дoston.
Мангу бўлгин жон тилим,
Қалқонинг Ўзбекистон.
Она тилим, жон тилим,
Дунё ичра бор тилим.

Зилола НУРМЕТОВА,
Тошкент Тиббиёт олийгоҳи
қoшидаги тиббиёт
лицейининг
9-синф ўқувчиси.

ШУХРАТГАЛИ МУАЛЛИМ

Жаҳонда муаллим бўлмаса агар, биз яшаб турган олам бу қадар тинч, сермазмун ва осойишта бўлмас эди. Муаллим! Бу каломни қанча такрорламайлик, барибир ўз жарангини йўқотмайди. Шогирдига меҳр билан таълим бераётган устозлар қаторида ўз устозим Болта ака Элов ҳақида ёзгим келди.

Болта ака мактабимизни компьютер билан таъминлаб, ўқувчиларга компьютер билан ишлашни ўргатишда кучларини аямайдилар. Шу боисдан бўлса керак, IBM компьютерида ишлаш ўқувчиларнинг сеvimли машғулотларидан бирига айланмоқда. Устозимиз компьютер сирларини пухта ўрганиб олган ўқувчиларни олимпиадаларга ҳам тайёрлайдилар. Собиқ ўқувчиларидан Уткир Ҳамроев, Зафар Ҳасанов ва Шавқиддин Юсуповлар республика олимпиадаларида биринчи ўринни олиб, барчанинг ҳурматига сазовор бўлдилар. Унлаб шогирдлари эса айнан шу соҳада турли олийгоҳларда билим олмақдалар.

Ана шундай фидокорона меҳнатлари туфайли устозимиз яқинда "Шухрат" медали билан тақдирландилар. Биз ана шундай жонқуяр, фидокор устозимиз билан фахрланамиз.

Мамлакат АҲМЕДОВА,
Бухоро вилояти, Фиждувон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси.

**«ТОНГ ЮЛДУЗИ»
ЧОЙХОНАСИДАГИ
СУХБАТ**

Мени маҳалладагилар Адҳам дўмбирачи дейишади. Чунки мен доира чалишни жуда ёқтираман. Қўлимга челакми, тоғорами тушиб қолса бас. Бир куни дадам бозордан доира олиб келдилар. Мана, икки йилдирки доирам биланман. Санъатнинг бу турига қизиқиш мени Жиззахдаги ёш санъаткорлар тўғарагига етаклади. Амакимнинг ўғли Наби акам билан тўйларга ҳам бориб туриб-миз. Халқимизда «Бир йигитга қирқ хунар оз» деган мақол бор, ахир.

Кеча ҳовлимизга қуритиш учун ёйилган буғдойларни жойлагандим, дадам: «баракалла ўғлим, меҳнат қилганинг ўзингнинг қадринг» деб, мақтадилар-да, мана бу пулни олиб, «Тонг юлдузи» чойхонасига бориб ўртоқларинг билан бир сомсахўрлик қилиб келгин, дедилар. Айтишларича, энг маззали сомса бизнинг Жиззах шаҳримизда тайёрланаркан. Ўша куни мен ҳам меҳнат, ҳам роҳат қилдим. Чойхонадаги тартиб-интизомни, одамларнинг келиб-кейтишларини кўриб, тadbиркор ҳам бўлгим келди. Яна йигитчилик, орзуга айб йўқ дедим. Очигини айтсам, орзуларга тўлган боламан. Йиллар ўтиб албатта яхши санъаткор бўламан. Баъзан катталарнинг берган саволларига жаҳлим чиқади. «Ҳой бола, оромгоҳга бормадингми?». Нима, ёзги таътилда фақат оромгоҳда дам олиш керакми? Оилада етти фарзандимиз, ҳаммамиз бирор хунар эгасимиз, зеркишга фурсат ҳам йўқ. Оромгоҳларга бора олганим учун ҳечам афсус қилмайман. Жиззахнинг ўзи катта бир оромгоҳ-ку! Жиззах жазирама шаҳар, чўл эмиш. Ким агар шундай деса, бизнинг шаҳримизга меҳмонга келсин. Табиатдан баҳра олсин.

*Адҳам АБДУОЛИМОВ,
Жиззах шаҳри, Олмазор кўчаси, 2-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.*



ЎЗАМИК РАМЗИ

Гул табиат ўсимликларнинг ичида энг ноёб мўъжизали вакиллариандир. Дунёдаги барча гўзаллик шайдолари ҳам гуллар олдида бўйин эгади. Гуллар деганда бизнинг қиёсимиз қувончли, яхшилик оламига саёҳат қилади. Бизнинг қувончли дамларимизни гуллар безаб туришни инкор этолмаймиз, чунки меҳмонга, тўйга ёки туғилган кунга боришимизда доимо қўлимиз гул тутган бўлади.

Ўсимлик оламининг мўъжизали вакили ўзига яраша ҳислатларига эга. Буюк аллома Ибн Сино ўзининг табобатчилик фаолиятида гуллардан кенг фойдаланган. Бетоб бўлиб ётган одамнинг олдида гул қўйиб қўйилса, бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди. Жуда чарчаган ёки сиқилган кишилар бир неча дақиқа гулларга тикилиб чарчоқлари ёзилиб ва ўзини энгил ҳис қилади.

Мўъжизали, ноёб ҳислат эгаси гуллар айрим давлатларнинг анъаналарига, расм русумларига ҳам айланиб улгурган. Гул... Гулга буркайлик оламимизни!

Шарофиддин РИСКУЛОВ.

**ЖИРАФАНИНГ БҮЙИ
НЕГА УЗУН?**

Оллоҳ оламдаги барча мавжудотларни яратгач, уларга яъни, ўрмон ҳайвонларига либос тикишни ва ушбу либосда энг гўзал ранглар акс этишини буюрди. Ўттиз кун мухлат ичида барча ҳайвонлар тўпланишибди. Ўзлари тиккан либосларни мақтаб изоҳлаб кетишибди. Сўнги сўз жирафага келибди. Оллоҳ жирафанинг бўйини паст, рангини хунук қилиб яратган экан. Жирафанинг тиккан либосини кўриб, ҳамма ўзини кулгудан тўхта-толмай қолибди. Жирафа эса уялиб тиккан кийимини изоҳлай бошлабди: «ОРқ бу - она сутим, жигарранг дунёга келиб биринчи нарсам - она ерим, яшил бу - бағри кенг ўрмонимиз ва сариқ - қуёш рангидир», дебди. Ўрмондаги кулгу ўрнини бир зумда сукунат эгаллабди. Оллоҳга бундай ранглар изоҳи жуда ёқибди ва жирафага нимаки тилаги бўлса, бажо келтиришини айтибди. Шунда жирафа:

-Менга дунёдаги энг узун бўй ва ўзим тиккан либосим керак. Токи ҳаёт давом этар экан, менинг насл-насабим ҳайвонлар олдида кулги бўлишини истамайман. Мени шундай ўзгартиргинки, ҳаммадан ажралиб турай, ўрмондаги барча жонзотлар қойил қолишсин, дебди. Шундан сўнг, Оллоҳнинг шарофати билан жирафа дунёдаги энг чиройли ҳайвонлардан бирига айланган экан.

*Комила ИСАЕВА,
274-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.*

**ҚАЙСИ ФАЗИЛАТ
БИРЛАМЧИ?**

Мен дунёдаги барча фазилатларни қадрлайман. Лекин шуларнинг ичидан хушмуомалаликни бирламчи деб биланман. Хушмуомала инсонларга ҳавасим келади. Зеро, «Кўнгил хазинасининг қулфи тил ва у хазинанинг қалити сўз бил» деган экан машойихлардан бири. Лекин инсон хушмуомала бўлиш билан бир қаторда меҳр-оқибат, ақлу-фаросат, сабр-тоқат ҳамда гўзал хулқ соҳиб бўлса, албатта нур устига аъло нур бўлар эди.

Хушмуомалалик ярим бахтдир. Агар хушмуомалалик замирида меҳнатсеварлик ва ғамхўрлик қайнаб турсагина, ундай одам умрбод бахтли ҳаёт гаштини суриши мумкин.

*Шаҳноза УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Санъатшунос-журналист»
билимининг 1-курс талабаси.*



ШИРИНЛИКЛАР ПИШИРАМАН

Қиз боланинг билиши лозим бўлган ҳислатлардан бири тотли қандолатлар, лаззатли таомлар пишириш деб ўйлайман. Мен пазандачилик сирларини ўрганиш учун махсус курсда таълим олдим. Унда биз аввало дастурхонни тўғри ва чиройли безашни, хушмуомала бўлишни, катта ва ширин торгларни пиширишни ўргандик. Бинобарин, қиз бола борган жойида ҳурматга эга бўлиши учун «Қўли ширин» деган ном олиш керак, деб ўйлайман. Яқинда Азизбек акамни ўйлантирдик. Келинойим ҳар куни тотли пишириқлар пиширадилар. Ҳавасим келади. Шунда: «Яхшиям қандолатчиликка ўқиган эканман», деб қўяман. Ундан ташқари бир ярим йилдан бери теннисга қатнашман. Шу йили «Tashkent open» да ўсмирлараро беллашувда қатнашиб, биринчиликни қўлга киритдим. Мураббийимиз Деннис Усмонович биздан мустаҳкам иродайни талаб қиладилар. Мен инглиз тилини ҳам мукамал ўрганишман. Чунки «Тил билган - эл билади», дейишади. Устозим Холида Муҳамадалиевадан таълимнинг барча қирраларини ўрганиш ниятидаман.

*Асал ХОЛМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги
186-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.*

ОБУНА БЎЛГАН ЭДИМ...

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси «Тонг юлдузи» менинг сеvimли газетам. Бу газетам менга ва ўртоқларимга ёққан томони шундаки, болалар учун турли мавзуларда хат-хабарлар ва янгиликлар билан таништириб боради.

Ўтган йили газетага обуна бўлган эдик. Аммо ўз вақтида уни ололмай, анча овора бўлдик. Бу йил синфимиз ўқувчилари «Синфдош» журнали ва «Тонг юлдузи» газеталарига обуна ишини бошлаб юборишган. Ҳавотиримиз шундаки, ўтган йилги қийинчиликлар бу йил ҳам такрорланса, сеvimли газетамиз «Тонг юлдузи»ни қаердан топиб ўқир эканмиз? Ён атрофимиздаги газета дўконларида эса топишнинг ўзи амри маҳол...

ТАҲРИРИЯТДАН: Энди бу ҳол такрорланмайди. Барча обуначиларимиз вақтида газета олишларини ўз назоратимизга оламиз.

*Хуршида БОЙМИРЗАЕВА,
Тошкентдаги 248-мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.*



Нилуфар тушган сурат.

«Тонг юлдузи»га



Азиз болажонлар, она тилимизга Давлат тили мақоми берилганига 21 октябрь куни 11 йил тўлади. Шу муносабат билан тилнинг аҳамияти, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида суҳбатлашамиз.

Тил инсонларга бир-бирлари билан сўзлашйш, қалблардаги туйғу, дард, хурсандчилик ва бошқа кечинмаларини ифодалаш имконини берадиган ягона воситадир.

Тил туфайли инсон ўз билимларини кўпчиликка етказа олади.

Тил туфайли одамлар бир-бирларининг дардларига малҳам бўла оладилар.

Тил туфайли ҳаётимиз гўзал. Чунки ҳаёт гўзалликларини тасвирлашда ижод аҳли яна тилга илтижо қиладилар. Асарлар давомида яратилган асарлар фақат тил ёрдамидагина, яъни унинг ёзув шакли орқали бизгача етиб келган. Биз тил туфайлигина, ер юзининг турли чеккасида бўлиб турган воқеалардан бир зумда хабардор бўламиз. Тилнинг хизмати шу

қадарки, биз ҳатто сезги аъзоларимиз билан ҳис эта олмаганимиз, сезмаганимиз гўзалликларни тил воситасида англаб етишимиз мумкин.

Тил шундай бир неъматки, инсон ўзида ҳосил бўлган билим, санъат, малака ва ҳунарга асосан тил воситасида етишган. Шунинг учун боболаримиз: “Ёрдам боши - тил”, яъни: “Барча фазилатларнинг боши тилдир”, деганлар.

Б у

ҳақда улуг Навоий шундай ёзади:

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Яъни: Тангри инсонга сирлар хазинаси бўлиш даражасини берган экан, уни сўзлаш қобилиятига эга бўлгани учун ҳайвонлардан ортиқ қилиб яратди.

Тил дилнинг таржимонидир. Чунки, одамларнинг билим даражаси, ички олами тил орқали, сўзларида намоён бўлади. Бу ҳақда Юсуф Хос Ҳожиб шундай дейди:

Уқушқа, билигқа бу тилмачи тил,
Яруттачи эрни йўруқ тилни бил.

Кишинг тил ағирлар, бўлур қут

киши,

Кишинг тил ужузлар, ярир эр боши.
Яъни:

Уқувга, билимга тилмоч бу - тил,
Кишини ёруғликка чиқарадиган
равон тил деб бил.

Кишини тил юксакка кўтаради,
(у) бахтли бўлади,
Кишини тил

ДИЛ КЎЗГУСИ ҲАҚИДА ДАРС

қадрини
пасайтиради, эр бошини ёради.

Азиз болажонлар, биз улуг неъмат бўлган тилни қадрлашимиз лозим. Қандай қилиб дейсизми? Аввало тилимиздан ноҳўя сўзларни чиқармаслигимиз лозим. Фақат чиройли сўзларни сўзлаш учун биз ички дунёимизни бойитишимиз, кўпроқ ўқиб - ўрганишимиз, камчиликларимизни тузатиб боришимиз лозим.

Иккинчидан, тилимизни асрашимиз лозим. Бунинг учун ўз она тилимиз имкониятларини, бойликларини ўзлаштириб бормоғимиз, уни Ватанни асрагандек, онани асрагандек асрашимиз лозим.

Учинчидан, уни севишимиз лозим. Севганда ҳам худди қуёшни, ойни,


нонни севгандек севишимиз лозим. Ва Расул Ҳамзатовнинг қуйидаги сатрлари сизнинг ҳаётингиз шиори бўлиб қолишини тилайман:

Бошқа бировга эҳтимол даво,
Менга шарт эмасдир
унда куйламоқ.

Эртага йўқ бўлса тилим муглақа,
Ўланим яхшидир менинг бутуноқ.
Уни деб доимо ёнаман дилдан,
Майлига десинлар уни камбағал.
Майли янграмасин ассамблейда,
Аммо у мен учун улуг ва гўзал.

Марям

ЭШМУҲАМЕДОВА,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти доценти.



ИСТЕЪДОДГА РАҲМАТ!

Яқинда Ўзбекистон Миллий Университетининг Маданият саройида сеvimли шоиримиз Жуманиёз Жабборовнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди. Адабиётшунос олимлар, адиб ва ёзувчилар шоир ижоди ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Сарой талаба ва ўқувчи ёшлар билан лиқ тўла эди. Шоир салобати, гўзал шеъринг файзи сеvimли санъаткорларимиз билан янада дилларни тўлқинлантириб турган бир пайтда... овоз кучайтиргич ўчиб қолди! Ўзбекистон Халқ артисти Фуломжон Ёқубов куйлаётган пайтда-я... Лекин Фуломжон ака асло эсанкираб қолмадилар. Дарҳол фонограммадан воз кечиб, учтўрт кишилик ансамблни ўзларига яқинроқ жилдириб, қарсақлар остида авж пардаларида шу қадар куйладиларки, кенг сарой бу сеҳрли овоздан ларзага келди. Рост, созандалар камлигини, оҳанглар уйғун эмаслигини талаба ёшларнинг қарсақлари тўлдириб турди. Беихтиёр ҳаммининг дилида бир гап эди. Куйласа бўлар экан-ку, табиий. Сўйласа бўларкан-ку, самимий! Ҳа, Фуломжон ака кўзлар билан самимий сўзлаб, гўзал қўшиқлари билан ёшлар оламига яна бир бор муҳрланадиган овоз билан кириб бордилар.

Истеъдодга раҳмат!

Абдуҳамид
АБДУҒАФФОРОВ.

Ҳурматли болалар. Ун бир йил муқаддам ўзбек тилига давлат мақоми берилган бўлса-да, ҳали ҳам орамизда хориж сўзларини аралаштириб сўзлайдиганлар учраб турибди. Куйида ана шу ҳақдаги тенгдошларингиз суҳбати берилди. Балки уни мактаб саҳнаси учун интермедия шаклида фойдаланарсиз, бойитиб ўз тилингизга кириб қолган ўзга сўзлар билан кўшиб янада ҳаётийроқ қиларсиз. Саҳнада ўзини кўрмоқ, кўзгуда юзини кўрмоқ каби хато ва камчиликларни аниқ бартараф этишга ёрдам беришига ишонамиз.



ВО-О ПЕРВЫХ, СЕНДАН КАТТАМАН

Бошловчи: Ассалому алайкум!

Менинг исмим Гулнора. Мен шаҳар марказидаги мактаблардан бирида ўқийман.

Маълумки, бундан ўн бир йил муқаддам ўзбек тилига “Давлат мақоми” берилганди. Лекин афсус билан шуни айтиш мумкинки, азизлар, ҳали ҳам соф ўзбек тилида сўзлашмаяпмиз. Шунинг учун мен дўстларимдан ҳам, уйимдагилардан ҳам соф ўзбекча гапиришларини очень - очень илтимос қиляпман.

Иногда проста ҳайрон қоламан, дарсада ўқувчилар русча, ўзбекча сўзларни каша-малаша қилиб жавоб беришади. Ўқитувчимиз ҳар доим “соф ўзбекча тилида гапиринг!”, деб урушадилар. Но, мен бу борада нимного ютуққа эришдим. Менинг укам русча садикка боради. Қачон қарасангиз русча сўзларни аралаштириб гапирди. Бир куни менга садикдан келиб: (Укаси кириб келади).

- Гуля, Гуличка! Мен бугун стишок ўргандим. Воспитательницам ўргатдилар.

- Простое ужас! Сенга ўргатавериб, ўргатавериб ўзимга қолмади-ку! Ахир соф ўзбек тилида гаплаш дедим-ку!?

- Научи, бўлмаса.

- Во первых, Гуля эмас, мен сендан каттаман, Гуля опа дегин. Вовторых, стишок эмас, шеър дегин, понял?

- А воспитательница ўзбекчаеига нима бўлади?

- А? Боқувчи бўлса керак. Ахир у сени боғчада боқалику!

- Ҳечам боқмайди-да. Қачон қарасанг бизларга озгина овқат бериб, қолганини сумкасига солиб олади. Менимча, уйда болаларини боқса керак.

- Неужеле?! Какой ужас!

- Эҳ, Гуля опа. Ўзинг ҳам соф ўзбек тилида гапиришни билмайсан-ку!! Аввал ўзинг соф ўзбек тилида гапиришни ўрганиб ол. Эҳ, ўргилдим сандақа устоздан... (Чиқиб кетади).

Рихсият Мирвалиева,
274-ўрта мактабнинг
олий тоифали ўқитувчиси.

ТИЛИН УНУТГАННИ ЭЛИ УНУТАР

Журналистика факультетида ўқиганим учунми ёки ўзимнинг журналистика соҳасига қаттиқ қизиқишим боисми дарсдан сўнг нашриётга қараб йўл олдим. Мақоламни топшириб, ишларимни битиргач уйга қайтаётгандим, метрога башанг кийинган икки қиз чиқди. Улар билан ёнма-ён турганим учун гаплари шундоққина эшитилиб турарди. Қизлар ўзбекча, русча сўзларни аралаштириб, она тилимизни бузиб суҳбатлашишарди. Бундай суҳбатни тинглаб, очиги жуда гашим келиб, нарироққа сурилдим.

Мана, бир неча кундан сўнг ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига ҳам ўн бир йил тўлади. Бу давр мобайнида қанча-қанча ўзгаришлар бўлиб кетди. Лекин бу икки қизнинг тили сира ўзгармабди-да... Икки тилда гаплашиб қийналгандан кўра, бир тилда мукамал гаплашиш осонроқ эмасми?..

Биз бўлғуси журналистларимиз. Шунинг учун ҳам мен ўз она тилимни ҳеч қайси тилга алмаштирмайман. Доимо ўзбек тилида гаплашишга ҳаракат қиламан. Биз ўзбек тилида мукамал асар яратиш мумкинлигини исботлаб берган Алишер Навоийнинг набираларимиз. Увайсий, Нодирабегим ва Анбар Отин каби мумтоз шоирларнинг давомчиларимиз. Тил - бу халқнинг бойлиги. Биз йиллар давомида йўқотган тилимизга эришдик. Энди уни авайлаб-асрашимиз лозим. Зеро, доно халқимиз “Тилин унутгани эли унутар”, деб бежиз айтмаган.

Шаҳло МУТАЛОВА.



Икки халқ алоқалари дунё

ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ МУНОСАБАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРК МИЛЛАТИГА МАНСУБ АҲОЛИ ҚАНЧА?

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 40 минг кишига яқин турк миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. 1997 йилнинг март ойида Тошкентда Турк миллий-маданий маркази ташкил этилди.

Икки халқ ўртасидаги маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтириш, маданий меросни омалаштириш, тарихий саналарни нишонлаш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадида дўстлик жамиятлари тузилган.

ТУРКИЯДА ЎЗБЕК ДИАСПОРАСИ

Туркияда яшаётган ўзбек миллатига мансуб аҳолининг сони 80 мингга яқин кишини ташкил этади. Улар асосан Туркиянинг Истанбул, Адана, Измир, Ҳозантеп ва Хатай шаҳарларида яшайдилар. Туркиядаги ўзбек жамоасининг ўзаги асосан Афғонистон, Саудия Арабистони ва Покистондан келган оилалардан иборат.

1983 йилда 5 мингга яқин афғонистонлик ўзбеклар Туркияда бошпана топдилар.

Ўзбекистондан тўғри Туркияга кўчиб келган ўзбеклар сони ниҳоятда озчиликни ташкил этади.

Мақоламиз сўнгида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, биз қадим-қадимдан тили, маданияти, урф-одати бири-бирига яқин деб ҳисобланган, ўзаги бир бўлган ўзбек ва турк халқларининг дўстлигини абадий бўлишини истаймиз. Икки қардош халқ ўртасидаги меҳр-оқибат йўқолмасин. Ўзбекистон ва Туркиянинг келажаги буюк давлат бўлишига ишонамиз.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ АЛОҚАЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ

Туркия Ўзбекистон республикаси мустақиллигини 1991 йил, декабрь ойида тан олган. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг март ойида ўрнатилган бўлиб, айти йилнинг апрелида Туркиянинг Тошкентдаги элчихонаси очилди. Ўзбекистон Республикасининг Анқарадаги элчихонаси 1993 йилнинг январидан эътиборан фаолият кўрсатмоқда.

Юқори даражадаги сиёсий мулоқотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1991 йилнинг декабрь ойида Туркияга қилган расмий ташрифи билан бошланди. Шунингдек, Президентимиз Ислам Каримов 1994 йилнинг июнь ойида ва 1997 йилнинг ноябрь ойида Туркияга расмий ташрифлар буюриб, 1998 йилнинг октябрида Туркия Жумҳуриятининг 75 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

Ўз навбатида Туркия Бош вазири Сулаймон Демирел 1992 йилнинг апрелида, Президент Тургут Ўзал 1993 йилнинг апрелида, ташқи ишлар вазири Х. Четин 1994 йилнинг апрелида, Бош вазир Тансу Чиллер 1995 йилнинг июнь ойида, Президент Сулаймон Демирел 1996 йилнинг майида ва 1999 йилнинг март ойида Ўзбекистонга расмий ташриф буюрганлар.

Туркия Президенти Ахмет Нежет Сезернинг Ўзбекистонга қилган ташрифини ўзбек-турк муносабатларининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаш учун имконият бўлди, дейишга тўла ҳақлимиз...

Туркия томони Ўзбекистонда халқаро терроризмга қарши олиб борилаётган курашни тўла қўллаб-қувватлаб, дунё ҳамжамиятининг эътиборини бу масалага жалб қилиш ва керакли ёрдам кўрсатишга тайёр эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг таклифларига биноан Туркия Президенти Ахмет Нежет Сезер 16-17 октябрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифини амалга оширди.

АЛОҚАЛАРНИНГ ШАРТНОМАВИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ


Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини икки давлат ўртасида "Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида"ги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, терроризм ва наркотик моддалар билан савдо қилишга қарши кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, туризм, маданият ва бошқа соҳаларда имзоланган 69 та ҳужжат ташкил этади. 16-17 октябрда Ўзбекистонга қилинган ташриф давомида турли соҳалар бўйича яна бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

САВДО - ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон бозорида турк сармоясини асосан ўрта ва кичик ширкатлар ташкил этади. 2000 йилнинг сентябрь ойидаги маълумотга кўра, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида туркиялик инвесторлар иштирокида 375 та корхона рўйхатдан ўтказилган. Улардан 284 таси ўзбек-турк қўшма корхонаси ва 91 таси 100 фоиз турк капитали билан ташкил этилган корхоналардир.

1999 йилнинг март ойида Самарқандда ўзбек-турк "СамКочАвто" қўшма корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, Туркиянинг "Аларко" компанияси, 2000 йилнинг апрелида очилган Урганч халқаро аэропорти терминалини бунёд этишда фаол қатнашди.

Туркиянинг сармояси иштирокида тузилган йирик қўшма корхоналар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: "Папфен" (йигирилган ипларни ишлаб чиқариш бўйича), "Кохис" (савдо-сотик бўйича), "Метро-Маркет" супермаркети, "Шарқ-Мир, Лтд" (чакана савдо корхонаси), "Межик-Пласт" (дераза ишлаб чиқариш бўйича). Булардан ташқари, 100 фоиз турк сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналар ҳам мавжуд. Улардан "Бета Алгоритм" (чой қadoқлаш), "Дилек Интерпрайзис" ва "Айлин гига санаи ве аноним ширкети" (кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича) кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.




САНКЦИЯЛАРНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА

Воислав Коштуницанинг Югославия Президенти этиб сайланганидан сўнг, Европа Иттифоқи ушбу республикага нисбатан белги-ланган санкцияларни бекор қилиниш жараёнини тезлаштириб юборди. Яқин кунларда санкциялар бутунлай олиб ташланади.

Биринчи ўринда Югославияга нефть маҳсулотларини етказиб беришга нисбатан қўйилган эмбаргони олиб ташлаш кўзда тутилмоқда.

Коштуница эса бундан буёғига парламентда кўпчиликни ташкил этадиган социалистлар билан муроСага келган ҳолда ўз фаолиятини олиб боришига тўғри келади.



ИККИ ШАРҚ МУАММОСИ КЕСКИН ТУС ОЛМОҚДА

Мана 20 кундирки, Яқин Шарқда фаластинликлар ва Исроил аскарлари ўртасида кескин тўқнашувлар тўхтамай давом этиб келмоқда. Ўтган шунча вақт мобайнидаги тўқнашувларда 100 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Курбон бўлганларнинг аксарияти фаластинлик фуқаролардир. Исроил ҳаво кучлари Рамоллох шаҳрига бир неча марта вертолётдан бомбалар отиб, биноларни вайрон қилдилар. Тўқнашувлар асосан Назарет, Хеврон ва Рамоллох шаҳарларида бўлиб ўтмоқда.

Исроилнинг ушбу агрессиясидан сўнг, Ливандаги Хезболлох ва Фаластиндаги Фатх ташкилотлари ҳам қуролланиб, Исроилга қарши курашмоқчилар.

БМТ бош котиби Кофи Аннанинг Исроилга ташрифи, у ерда Яхуд Барак ва Ёсир Арофат билан олиб борган музокараси унчалик самара бермади.

Сурия Президенти Башар Асад, Миср ташқи ишлари вазири Амир Мусса ва Ливия Президенти Муаммар Каддафи Дамашқда Яқин Шарқ муаммоси бўйича ўзаро учрашув ўтказдилар. Йигилишда октябрь ойининг сўнгида Қоҳирада араб давлатларининг фавқулодда учрашувини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди.

Исроил бош вазири Яхуд Барак агар фаластинлик фуқаролар тартибсизликларни тўхтатмасалар, Исроил армияси Фаластинга нисбатан оғир артиллерия ва ҳаво ҳужумларини шавқатсиз равишда давом эттиришини айтиб ўтди.

СПОРТ ТҮРЛАРИ ТАРИХИДАН

КАРАТЭ ЖИМА ЦЗУ

“Каратэ” - японча сўз бўлиб, “бўм-бўш кўллар” ёки “фақатгина кўллар билан” деган маънони билдиради. Каратэ - бу қуролсиз ҳимояланишнинг бир усули ҳисобланиб, шарқона жанговар санъат ҳам саналади. Қадимги Японияда джиу-джицу номли якка кураш тури бўлган. XX асрга келиб, джиу-джицуға худди ўхшаб кетадиган ажойиб жанговар кураш тури каратэ деб атала бошланди. Аниқроғи, джиу-джицу каратэга асос қилиб олинди.

Яна бир спортнинг жанговар тури дзюдодан фарқли равишда, каратэ асосан ҳужум қилишдан иборат бўлиб, жуда кучли жароҳат етказиши мумкин. Каратэда уришаётган одам кўли ва оёғи билан зарба беришга ҳақли.

Дарвоқе, каратэ фақат спорт тури бўлибгина қолмай, у ўзига хос фалсафий тизим ҳисобланади. Яъни, каратэ билан шуғулланаётган инсон ҳам руҳини тетиклантириб, уни дам олдиради, ҳам танасини чиниқтиради. Шу билан бирга каратэчи ўзи билмаган ҳолда кўшимча жисмоний ва руҳий куч олади.

Албатта, каратэ ҳақида гапирганимизда Брюс Ли номини тилга олмасдан иложимиз йўқ. Брюс Ли моҳир каратэ ва кунг фу санъатининг устаси бўлиб, у машҳур киноактёр ҳам эди. Брюс хитойлик бўлсада, лекин умрининг ярмидан кўпи АҚШда ўтди. Бу ерда у кўплаб жанговар курашни ифодаловчи кинофильмларда суратга тушди. XX асрнинг буюк каратэчиси ва киноактёри Брюс Лининг таржимаи ҳоли ҳақидаги мақолани газетамизнинг кейинги сонларидан бирида сизларга ҳавола этамиз.



БАСКЕТБОЛ - "САВАТ ЖИМА ЦЗУ"

Қани топинг-чи, АҚШда энг оммавий, энг сеvimли ва энг машҳур спорт тури қайси? Бейсбол дейсизми? Йўқ. Хоккейми? Йўқ. Американча футболми? Йўқ, адашдингиз. Ҳа майли, ўзим айтақолай, бу баскетболдир.

Баскетбол инглизча сўз бўлиб, “basket” - “сават”, “ball” - “тўп” деган маънони билдиради. Яъни, «саватга тушириб ўйналадиган тўп» демакдир.

Баскетбол ўйини 1891 йилда асли канадалик бўлмиш Жеймс Нейсмит томонидан яратилган. Нейсмит ўша пайтларда АҚШнинг Масачусетс штатида яшарди. У бирон-бир ихтиро қилиб, Спрингфийлд спорт олийгоҳининг талабаларини лол қолдирмоқчи бўлди. Нейсмит ҳиндуларнинг “лакросс” ўйинини жуда яхши биларди. Бу ўйин гандболга ўхшаб кетарди. Нейсмит ушбу “лакросс” ўйини билан Британиянинг футбол ўйинини бирлаштиради ва битта ўйин - баскетболни яратади. Жеймс бу икки ўйиндан бир қанча қоидаларни олиб ташлайди. Масалан, футболдаги оёқ билан ўйнашни, гандболдаги дарвозага тўпни отиш ўрнига саваатга отишни ўйлаб топади. Нейсмит ҳеч иккиланмасдан бу ўйлаб топган ўйинига “баскетбол” деган номни беради.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, АҚШда баскетбол ўйини жуда машҳур ва оммабоп бўлиб кетди. Ҳозирда баскетбол бўйича АҚШ терма жамоаси дунёдаги энг кучли жамоа ҳисобланади. АҚШнинг машҳур баскетболчилари Майкл Жордан, Чарлз Баркли, Пиппен, Мэжик Жонсон ва Шаквил Онийлларни бутун жаҳон танийди. Уларнинг баскетбол ўйнаш маҳоратига фақатгина “офарин!”, “қойил!” дейиш мумкин.



Бокс бўйича мусобақалар дастлаб Қадимги Грециядаги олимпиадалар вақтида ўтказилган. У пайтларда уришаётган икки боксчи чарм кўлқоп ўрнига кўлларига “цестус” кийишган. “Цестус” - ичи бронзадан ясалган бўлиб, усти юпқа чарм билан қопланган кўлқопдир.

БОКС - ИРОДАМИ ВА КУЧЛИЛАР ЖАНГИ

Рим империяси қулагандан сўнг бокс ҳам деярли йўқ бўлиб кетди. XVIII асрнинг бошларида эса бокс Англияда яна қайтадан тикланди. Лекин Англияда бокс бироз бошқачароқ эди. Боксчилар кўлларига ҳеч нарса киймасдан, соатлаб танаффуссиз жанг қилишарди.

Фақатгина 1867 йилга келиб, бокс 3 минутлик раундларга бўлиниб ўтказиладиган бўлди. Уларнинг орасида 1 минутлик танаффус ҳам қилишадиган бўлди. XX асргача бокс мусобақалари фақат АҚШ ва Англияда ўтказиларди. Ҳозирда эса бокс билан деярли бутун дунё шуғулланади, десак хато бўлмайди.

АҚШнинг Майк Тайсон, Муҳаммад Али, Эвандер Холифилд, Форман, Майкл Грант, Риддик Боуи, Англиянинг Леннокс Лювис ва Ўзбекистонимизнинг Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев каби боксчилари бутун дунёга машҳур.



ТЕННИС - "ҚИРОЛ ҲИМА ЦЗУ"

Теннис ўйини жуда қадим тарихга эга. Биринчи бўлиб бу ўйинни Қадимги Греция ва Римда ўйнаганлар. Кейинчалик теннис асосан Францияда ўйнала бошланди.

“Теннис” сўзи французча “Тенназ!” сўзидан олинган деган тахмин бор. Французча “Тенназ!” сўзи “Ўйинанг!” деган маънони англатади.

XIII-XIV- XV асрлар мобайнида бутун Франция теннис ўйинини севиб ўйнади. Теннисга қизиқиш шу қадар кучли эди-ки, ҳатто француз қироллари ва графлари ҳам махсус теннис кортларини барпо этиб, бу ўйинни мароқ билан ўйнашарди. Шунинг учун ҳам Францияда теннисни “Қирол ўйини” деб аташарди. 1529 йилда қирол Генрих VIII жуда катта теннис кортини барпо этди. Бу корт ҳозиргача сақланиб қолган.

Бугунги кунда теннис бутун дунёда ривожланиб ва кенг тарқалиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам Президентимиз ташаббуслари билан бир-бирдан гўзал, кўркем теннис кортлари барпо этилмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда жаҳон теннис юлдузлари иштирокида мусобақалар ўтказилмоқда.

Юртимизда тенниснинг бу қадар ривожланиб бориши Ўзбекистон номини бутун дунёга машҳур қилмоқда.



ФУТБОЛ - ЭНГ ОММАБОП СПОРТ ТУРИ

Шубҳасизки, футбол ўйини пайдо бўлгандан бери уни бутун дунё аҳли севиб ўйнайди.

Бундан 3-4 аср аввал Жанубий Американинг ҳиндулари каучук ўсимлигидан юмалоқ тўп ясаб, футболга ўхшаш ўйинларни ўйнардилар.

XIX асрнинг ўрталарида Англияда барча қонун-қоидаларига эга бўлган футбол номли ажойиб ўйин яратилди. “Football”



инглизча сўз бўлиб, “foot” - “оёқ”, “ball” - “копток” деган маънони билдиради. Яъни, “Football” - “Оёқ тўпи” демакдир.

Англиядан сўнг футбол Англия мустамлакаси остида бўлган давлатларга тарқала бошлади. Футбол тез орада бутун Европада оммалашиб кетди. Англияга саёҳат қилган Пим Миллер ўз юрти Голландияга қайтгач, у ерда ҳам футбол тўғрақларини ташкил этди ва 1889 йилда Голландиянинг миллий футбол федерацияни тузди.

1930 йилдан бошлаб, ҳар 4 йилда бир марта эркаклар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Футбол бўйича биринчи жаҳон чемпионати Уругвайда бўлиб ўтган. Би-

ринчи жаҳон чемпиони деган номга ҳам Уругвай терма жамоаси сазовор бўлган.

1960 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда бир марта футбол бўйича Европа чемпионати ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, футбол бўйича ҳар бир қитъанинг ўз мусобақалари бор. Масалан, Осиё чемпионати, Осиё чемпионлари кубоги, Жанубий Америкада “Либертадорес” кубоги, Европада “Чемпионлар Лигаси” ва “УЕФА кубоги” учун ўтказиладиган мусобақалар шулар жумласидандир.

XX аср бизга бир қатор машҳур ва моҳир футбол юлдузларини тақдим этди. Улардан бразилиялик Пеле, Гарринча, Жаирзиньо, Сократес, Зико, Ромарио, Роналдо,

Ривалдо, аргентиналик Диего Марадона, Кемпес, Пасарелла, Бурручага, Батистута, германиялик Герхард Мюллер, Беккенбауэр, Руммениге, Маттеус, Руди Феллер, франциялик Мишел Платини, Жюст Фонтен, Зидан, Папен, голландиялик Йохан Кройф, Рууд Гуллит, Ван Бастен, Бергкамп, италиялик Пало Росси, Роберто Баджо, Барези, Дел

Пiero, англиялик Бобби Чарлтон, Робсон, Кевин Киган, Гарри Линекер, Алан Ширер ва Майкл Оуэнларнинг номларини бутун жаҳон фахр билан тилга олади.

Пiero, англиялик Бобби Чарлтон, Робсон, Кевин Киган, Гарри Линекер, Алан Ширер ва Майкл Оуэнларнинг номларини бутун жаҳон фахр билан тилга олади.



Кўш саҳифани
Шоҳруҳбек
КАРИМБЕКОВ тайёрлади.

Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсол. Нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол. Нимаики чидамли, сабр-тоқатли бўлса, она иродаси тимсол, кимда-ким пок муҳаббат ва меҳри дарёлик даъво этса, онанинг пок қалби тимсол...

Дунё яралибдики, ўз гўзаллигини меҳрибон онажоларимиз ҳамда азиз ота-оналаримиз биз фарзандлар ҳеч қачон тасаввур этолмаймиз. Уларнинг кўнгилларини олиш учун шеърлар ёзамиз, кўшиқлар куйлаймиз, лекин шундай пайтлар ҳам бўладики, муштипар онаи-зоримиз-у кадрдон отажонимизни бизнинг "Ассалому-алайкум, онажон, отажон, яхши ўтирибсизларми?", деган ширин сўзимизга зор эканликларини унутиб қўямиз.

Аслида бизнинг бахтимиз ҳам, тахтимиз ҳам ота-оналаримиздир. Уларнинг қалби меҳр-мурувватга тўлиқ бўлади, фарзандларидан эса жонини ҳам аямайди. Яхши фарзанд эса, уларнинг меҳр чашмасидан оқилона фойдаланади. Лекин орамизда шундай инсонлар ҳам учрайдики, бошига бирор мусибат тушгандагина ота-онасини эслайди. Уларни ўзининг шахсий гамташвишигагина шерик қилади. Шу ўринда бир бўлиб ўтган воқеани айтиб ўтишни жоиз деб топдим:

Бир оилада ота-она жуда кўп қийинчиликлар билан ўғил-қизларини тарбия қилдилар. Вақти келиб қизлари турмушга чиқишди, чолу-кампир эса катта ўғил қарамонига қолишди. Ўғил ниҳоят фаровон ҳаётда яшаб, янги ҳовли қуриб олди ва ота-онасини эски кулбага ёлғиз

ташлаб, кўчиб кетди. Лекин қариялар кун сайин ҳолсизлана бошлашди. Улардан қизлари-ю куёвлари хабар олиб туришди. Вақти келганда ўз уйларига олиб кетишди. Минг афеуслар бўлсинки, ўғил ота-онасини кўргани бирор марта ҳам келмади. Шунга қарамай она ўғлини, келинун неварасини соғинганидан уларнинг уйларига боришни аҳд қилди. Чунки у дилбанди-да. Ўғлининг хонадонига зўрга кириб борган 98 ёшли муштипар онани одамгарчиликдан маҳрум бўлган келини уйга киргизмади. Фарзандлик бурчини чуқур ҳис этган қиз ота-она-

аҳволда ўғлини кўриш учун илҳақ бўлиб ётган онанинг қошига бошқа бир кишини ўғли ва бир аёлни келини қиёфасида киритишди. Лекин зийрак она пайқади, у ўзига нималарнидир шивирлади, кўзлари ёшга тўлди, бир оз вақт ўтгач, бир умрга кўз юмди. Кўп вақт ўтмай унинг кетидан камтарин, пок дил-

боси шу. Чунки барча халқнинг дастлаб тилида "ота-она" деган сўз бўлади.

Ота-онани ҳурматлаш ва эъзозлаш ҳақида жуда кўп мўтабар инсонлар қимматбаҳо фикр айтганлар. Лекин гап бундай фойдали панду ўғитларга амал қила билишимиздир.

Ота-онанинг фарзандига бўлган муҳаббати куёш нуридек тиниқ, ой нуридек шаффофдир. Шундай экан, фарзанд ота-она умрининг энг тотли ва бебаҳо мевасидир. Чунки улар ўз фарзандини севиб, ардоқлайди. Болаларини одобли, соғлом, меҳнатсевар, жамиятга фойдали инсон бўлиб ўсишини, бахтли бўлишини орзу қилади. Ота-она қаерда бўлмасин - ишдами, узоқ сафардами, уларнинг кўз олдида доим болаларининг тимсоли туради.

Шунинг учун биз фарзандлар шу қадар улугвор, азиз-меҳрибон ота-оналаримиз борлиги билан ҳар қанча фахрланасак шунча оз. Шу улуг зотлар бор экан, бизнинг эртамиз порлоқ, бахтимиз бутун.

Оиламиз кўрки бўлмиш ота-оналаримиз ҳаммиз бошимиз узра мусаффо осмонимиз, порлоқ куёшимиз бўлиб юрсинлар, умрлари узоқ, саломатликлари мустаҳкам бўлсин, ҳеч қачон биздан оқфотиҳаларини аямасликлари учун кўнгилларига қарайлик, дилларини оғритмайлик, уларни ардоқлайлик, юзларига тушган битта ажин, сочларидаги бир дона оқ тола, битта тушган тишлари учун жон фидо қилайлик. Зеро, ота-оналаримиз биздан фахрланиб, кўкрак кериб юра олсалар биз фарзандлар ўз келажгимиз фаровонлигини яратган бўла-миз.

Нигора МИРЗАМУХАМЕДОВА.

ОТА-ОНА - ОТА-ОНАНИНГ АЗИЗИ

Азиз болажонлар! Сиз газетамиз саҳифалари орқали Нигора опангизнинг кўплаб форс ва инглиз тилидан қилган таржималари, турли касб хунари инсонлар билан суҳбатлашганларини гувоҳи бўлгансиз. Нигора Мирзамухамедова Тошкент Давлат Шарқшунослик Институтини ташқил қилди. Яқинда у ўз билим даргоҳида бўлиб ўтган энг яхши иншоолар танловидан 2-ўринни кўлга киритди.



Болажонлар, агар Нигора опангиз сингари изланиб, интилсангиз албатта сиз ҳам ҳар ишда голиб бўласиз. Бу оламда ўз галабасидан қувониб яшаганга не етсин!

сини ўз уйига олиб кетди ва уларга янада кўпроқ меҳр билан қарай бошлади.

Куёвларидан эса ўғилларидан кўрмаган меҳр-мурувватни кўрдилар. Онанинг дарди кундан-кунга оғирлаша бошлади. У ота-онасига жабр қилган ўғлини, унинг оғир аҳволдан хабар олмаган ўғлини соғинаверди. Улар билан хайрлашгиси ва ўғлининг қўлида жон бергиси келди. Афсуски, нодон ўғил ҳам, виждонсиз келин ҳам келишмади. Ниҳоят, қизлари маслаҳатлашиб, оғир

ота ҳам ва фот этди.

Аслида фарзанд меҳрибон ота-онасининг оламини кўрадиган кўз-қорачигидир. Уларнинг ҳаёт ва тинчлигини сақлаш фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Чунки фарзанд гўзал ёшлик қиёфасини ҳам, ақлу заковатини ҳам, хулқ-атворини ҳам аввало ота-онадан олган. Биз уларнинг олтин умри, доимий чеккан машаққатлари, ҳагто тортган жабру жафолари эвазига ўсиб камол топганмиз. Ота-она ўз фарзандларини катта ҳаётга тақдим қилувчи улуг зотлардир.

Ота-онани ҳурматлаш инсонпарварликнинг таркибий қисми бўлиб, у ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Одамлардаги виждон ва ор-номус ота-онасининг қадр-қимматини тушунишдан бошланади. Инсон бўлишининг алиф-

MAKING YOUR ENGLISH FOR YOU



ANECDOTES IN ENGLISH

RAIN IN A HOTEL

A traveller was having a rest in the hotel. Suddenly it began to rain. The water began to come through the roof in the traveller's room. So a traveller called an owner of this hotel and asked: "Does the water always come through the roof here?"

Owner asked: "No sir, not always, only when it rains".

МЕҲМОНХОНАДАГИ ЁМҒИР

Саёҳатчи меҳмонхонадаги ўзининг хонасида дам олаётган эди. Бирданига ёмғир ёғиб юборди. Саёҳатчининг хонасидаги томдан сув оқа бошлади. Бечора саёҳатчи меҳмонхона хўжайинини чақириб деди: "Бу хонанинг тоmidан ҳар доим шунақа сув оқадими?"

Хўжайин деди: "Йўқ, асло йўқ жаноб, фақатгина ёмғир ёғганда оқади".

A SHORTER WORD

Ravshan: "Which word becomes shorter if you add two letters to it?" Akmal: "Oh, it is impossible, there is no answer to that question. You cannot make a word shorter if you add two letters to it".

Ravshan: "No, no, you are wrong, you can do this. It is the word "short". If you add letters "e" and "r" to the word "short", it becomes "shorter"."

ҚИСҚАРОҚ СЎЗ

Равшан: "Акмал, қайси сўзга учта ҳарф қўшсанг, у сўз қисқароқ бўлиб қолади?". Акмал: "Бунинг умуман иложи йўқ, қандай қилиб бир сўзга учта ҳарф қўшсанг, у қисқароқ бўлиб қолади?".

Равшан: "Йўқ, адашяпсан, бунинг иложи бор. Агар сен "қиска" сўзига 3 та ҳарфни, яъни "р", "о", "қ" ларни қўшсанг, у сўз "қисқароқ" бўлиб қолади.



Тошкентдаги 115-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Мурод ШАРИПОВ чизган суратга инглиз тилида тағсўз ёзинг ва бизга юборинг.

ТОПИШМОҚЛАР RIDDLES IN ENGLISH

1). When it passes or runs, we do not see it. It can fly without wings, there is an English proverb for it - is money. What is it?

Таржимаси:

У нарса ўтиб кетганда, биз уни кўрмаймиз, у қанотсиз учиб ўтади, у тўғрисида инглизларнинг ибораси бор: - пул демакдир. У нима?

2). At whom do all people stare with an open mouth?

Таржимаси:

Кимнинг ҳузурда барча одамлар оғизларини катта очиб ўтирадилар?

3). Where do the world's sweetest and finest apples grow?

Таржимаси:

Дунёдаги энг ширин ва мазали олмалар қаерда ўсади?

4). Some months have thirty-one days, some have thirty days, but how many of them have twenty-eight days?

Таржимаси:

Баъзи ойларда 31 кун бор, баъзиларида эса 30 кун бор, ойларнинг нечтасида 28 кун бор?

5). When does Thursday come before Wednesday?

Таржимаси:

Қачон пайшанба чоршанбадан олдин келади?

ЖАВОБЛАРИ:

1. ВАҚТ.
2. ТИШ ДОКТОРИ.
3. ДАРАХТДА.
4. БАРЧА ОЙЛАРДА 28 ТАДАН КҮН БОР.
5. ЛУҒАТДА.



Куйидаги саволларга инглиз ёки ўзбек тилларида жавоб ёзинг.

1). In what book would you meet the following names of people?

- Oftoboyim,
- Mirzakarim
- Qutidor,
- Homid,
- Zaynab,
- Jannat.

Таржимаси: Қайси асарда куйидаги қаҳрамонларни учратасиз? Офтобойим, Мирзакарим Қутидор, Хомид, Зайнаб, Жаннат.

2). What is the capital of Mongolia?

- a) Pnompen
- b) Thimphu
- c) Ulan-Bator
- d) Taipei





Ассалому алайкум мустақил Ўзбекистонимизнинг содиқ фарзанди, халқнинг шон-шарафларига сазовор ва муносиб бўлган, умуман, ўзбеклар дунёсига сеvimли шоир бўлиб қолган Абдулла Орипов!

Мен сизни беҳад ҳурмат қиламан. Сиз бунга лойиқ инсонсиз, мен буни бутун вужудим билан ҳис қиламан. Юқорида айтганимдек, сиз биз учун бутун умрга сеvimли шоир бўлиб қолгансиз. Тўғри, Ўзбекистонимизда сиз каби шоирлар кўп, лекин уларнинг орасида мен учун сизнинг ўрнингиз бошқа. Чунки сизнинг ёзган драмаларингиз, газалларингиз-у жуда кўп шеърларингиз мени лол қолдиради. Сизнинг шеърларингизда шунчаки гап эмас, балки одамни ҳайратга соладиган олам-олам маъноли сўзлар ётади. Сизнинг шеърларингизни ўқиганимда тўлқинланиб кетаман. Улар менинг қалбимда мисли қуёш каби чақнаб туради, унинг нурлари сизнинг шеърларингизни яна қайта-қайта ўқишга ундайди. Сиз ўз шеърларингизда инсонни садоқатли бўлишга, ватанпарвар бўлишга, ўз ота-онасини қадрлашга даъват этасиз. Мен буларни ўқиб, фикримни кенгайтираман, сиз каби ватаним учун жонимни фидо қилишга ҳам доимо

тайёрлигимни ҳис этаман ва сиз каби ота-онамни ҳурмат қилишга ҳаракат қиламан. Сиз нафақат муқаддас она, Ватан, дўст-ёрлар ҳақида, балки динимиз ҳақида ҳам жуда кўп шеърлар ёзгансиз, мен буни сиз ёзган "Ҳаж

ШОИРГА МАКТУБ

дафтари" номли китобдан изоҳлашим мумкин. Бу китобни ҳар қайси инсон ўқиганда, ҳаттоки, динга унчалик ишонмаган инсон ҳам таъсирланиб, муқаддас динимизга меҳр кўйиши шубҳасиздир. Сиз "Она" ҳақидаги шеърингизда:

Каъба қопқасида турган, эй посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин,
-дея оналарни қадрлашга ундайсиз.
Мен ҳар тонг Ватанимиз бағрида шўх янграётган:
Серкуёш хур ўлкам, элга бахт нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан ижод,
Шўхратинг порласин токи бор жаҳон,
-деб бошланувчи "Ўзбекистон мадҳияси"ни ўзга давлат сарҳадларида ҳам бирор муносабат билан янграётганини эшитганимда тўлқинла-

ниб кетаман, гурурланаман...

"Ўзбекистон" қасидангизни ўқиганимда ҳам Ватан кўз олдимга келади. Ватанимиз фаровонлиги учун фидоийлик қилган буюк бобокалонларимиз, улардан мерос қолган улкан

обидалар кўз олдимда гавдаланади. Бутун жаҳонга танилган буюк соҳибқирон А.Темур, З.М.Бобур, А.Навоий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва бошқалар... Буларни санайдиган бўлсам, қилган ишларини ёзадиган бўлсам, бир китоб тўлади. Истиқлол фидоийлари бўлган Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий ва бошқа Ватан эрки, озодлиги учун курашган инсонлар биз ўзбекларнинг фахру ифтихоримиздир. Мана шундай бобокалонларимиз борлигидан фахрланаман. Афсуски, улар ватанимиз, яъни Ўзбекистон



мустақил бўлганлигини кўра олмадилар, лекин биз кўрдик. Бунинг учун худога минг бор шукр айтишимиз керак.

Хуллас калом, мен сизга мактуб ёзишимнинг боиси шуки, мен сиз билан янада яқинроқ танишиш ниятидаман. Лекин мен сизни таниганим билан, сиз мени танимайсиз, ҳаттоки, бир марта бўлса ҳам кўрмагансиз. Аммо бир кунмас бир кун кўришиш ниятидаман ва сиз билан эркин суҳбатлашмоқчиман, мен бу кунни кутаман.

Ҳурматли Абдулла ака, сиз ватанимизни шунчалик қадрлаётганингиздан гоят сиздан мамнунман. Қанийди, мен ҳам сиз каби шоир бўлсаму ўз дил изҳорларимни, Ватанга содиқлигимни шеърларимда ифода этсам!

Афсуски, шоир эмасман, лекин барибир ватанимни севаман. Сиз каби шоир бўлмасам ҳам келажакда шифокор бўлиш орзуим бор. Агар шу орзуимга этсам, албатта, кўлимдан келганича, умримнинг борича Ватанимга хизмат қиламан.

Хуршида МАТФОЗИЕВА,
Наманган вилояти,
Учқўрғон тумани, 24-ўрта
мактаб ўқувчиси.

-Болалар, етар энди, отларингни аравадан чиқаринглар. Овқатланиб олайлик! - деди белгача яланғоч, биллаклари тарам-тарам бўлиб кетган жуссали Карим.

Карим қаттиқ юришдан чарчаган отларни ҳосуддан бўшатди. Тиззалари ачишиб огриган у атрофга кўнгилсиз қаради.

Шу пайт овулдан балдоқли Ботир бригадир келди. Шийпон олдига келиб, ёлғиз балдоғини ерга тираб, от устидан сакраб тушди.

Ботир урушдан овулга ёлғиз оёқ билан қайтди. "Бир бошга бир оёқ ҳам етади. Энг муҳими, душман устидан галаба қозондик", деб тавба тазарруқ қилиб ўтирганини Карим полвон кўп эшитган.

Бригадир ўзига синалган саманини бошидан силаб, юганини олиб, бўшатиб юборди. Кейин ёлғиз белбоғига суяниб, хирмон томонга юрди. Донни ҳовучлаб кўрди. Қуриб қолган доннинг бир-иккитасини тишига босиб, тамшанди. Катталар билан бироз йиғим-терим ҳақида суҳбатлашгач, четроқ бориб ўтирган ўқувчилар қошига борди.

-Сенларга раҳмат, болалар, ёз бўйи бизларга ёрдам бердинглар. Мана, куз ҳам яқинлашиб келди, мактабга боришга ҳам тайёргарлик кўриш керак, - деди.

Хирмон бошидаги болалар ва кампир, чоллар жонланиб қолишди.

Ботиржон, - деди овул қарияси, - Яхшилик хабар етказдингиз, болаларимиз мактабни унутган эди...

-Ҳа, шундай, мактаб эшиги очиладиган кун ҳам келиб қолди. Уруш туфайли вақтинчалик қийинчиликлар энди аста-секин эсдан чиқа бошлайди. Илоҳим, шу дўмбоқ болалар келажакда отинг ўчгур урушнинг зардобини тортишмасин!

Белбоқли бригадир бир сония жанг майдонидаги отилган ўқ, снаряд ва ёрилган бомбани эсига тушириб, сесканганидан ранги сустлашдию сакраб туриб қолди... Бригадир етказган хабар Каримни руҳлантириб юборди.

Карим бошлиқ бир тўп бола шу кунёқ хирмончиларнинг аравазида овулга қайтди.

Каримга мактабга бориш бироз оғир кечди. Ойиси унга отасининг эски костюмининг енгини қирқиб, ўзига мос костюм тикиб берди. Эслаган этигини мойлаб кийса бўла-

ҚИДИРБОЙ ОҒА ҚИДИРИБ КЕЛАР

Бизга хат ёзувчи болалар газетамиз манзилгоҳи ўзгарганини яхши билишади. Янги манзилгоҳимизда ҳам уч марта хоналарни алмаштирдик. Садоқатли муаллимимиз Қидирбой оға Тўлабоев ҳар гал бизни қаватма-қават, хонама -хона қидириб, ажойиб асарлар билан кириб келаверадилар. Асарлари сизбоп: кичик ҳажмли ҳикоя, ривоят, мўъжиза ва тилсимоғлар. Ҳатто, башоратмонанд лавҳа, ҳикоятлар ҳам. Энг асосийси лўнда, самимий, содда тилда ёзилган улар. Қозоқ миллатига мансуб Қидирбой оғамизнинг ўзбек тилига муҳаббати ҳатто қозоқ болаларига ўзбек тилидан сабоқ беришларидан ҳам кўринади. Ўзбек тили - ўз тилим, дейдилар Қидирбой оға. Ўзбекистон - ўз Ватаним. Ватанимнинг болалари билимдон бўлсинлар. Билимнинг бўйи китоб ўқиш, газета ва журналларга обуна бўлиш билан ҳам бир қарич баланд ўсади. Қидирбой оға, бизни йўқлаб хуш келибсиз! Истагимиз ижодда ҳам, меҳнату изланишда ҳам асло бўш келмангиз.

ди, бутун экан. Фақат қулоқчаси йўқ. Отасининг ямоқ қулоқчини тўрт-беш жойидан йиртилиб, кийишга яроқсиз бўлиб қолибди.

Эрталаб ясан-тусан бўлиб қўшинининг боласи Қодир кириб келди. Бошида тулки қулоқчин, устида эски пальтодан ағдариб тикилган пуфайка. Оёғида бултурги ботинкаси. Кўрдингми, дегандек бурнини кўтариб Каримга қараб қўяди. Мақтаниб турибди.

-Қулоқчининг яхши экан, болам, ким тикиб берди? - деди

Каримнинг онаси.

-Раҳим чолдан бугдойга сотиб олдик, - деб Қодир кўлига олиб у ён-бу ён ағдариб қўйди.

-Кўй, хафа бўлма, болам, - деди онаси Каримга. - Ҳали замон отанг келсин, маслаҳатлашамиз. Зўр келса, беш олти кун ош ўрнига чой ичармиз, - онаси дастурхонни йиғиштира бошлади.

-Ма, ўртоқ, кийиб кўргин, - деди Қодир қулоқчинини бошидан олиб Каримга кийгазар экан. -Кўрдинг, жуда иссиқ,-у бояғидай эмас, анча шаштидан тушган эди.

Карим қулоқчинни кийиб кўрган эди, ростанам чиройли ҳам иссиқ экан. У уй ичида қулоқчини кийиб у ён-бу ён юрди.

Ўрозбой кўй териси билан қопланган стол устида кўзойнагини бурни устигача тушириб кийиб нинадан ип ўтказиб ўтирарди. Ерда қуён, тулки териларнинг духоба қийқиндилари сочилиб ётарди. Тор уйнинг кичкина

дераза ойнасидаги қуёш нури бўлар-бўлмас тушиб турибди. Чолнинг орқа томонида намаз устида ола мушук ухлаб ётибди.

-Ассалому алайкум, Ўроз ота! - деб Каримнинг онаси орқалаган бугдойнинг елкасидан тушириб, печнинг ёнига қўйди.

-"Ваа-ла й к у м ассалом!" - деди чол Ўрозбой ота бу ким экан дегандай бошини сараксарақ қилиб, кўзойнаги тагидан қаради.

-Ҳа, Марзия санмисан. Алҳамдулиллоҳ, шукр, шукр. Ўзларинг яхши юрибсизларми. Ўртоғим Мирзо кўринмайди? - Машинанинг нинасидан ип ўтказа бошлади.

Уйга бироз жимлик сўнди. Намат устида ётган мушук ўрнидан туриб, миёвлаб чолнинг ёнига бориб сурқалди.

Карим шу бир кичкина гира-шира ҳамда совуқ уйда қулоқчин тикиб ўтирган соч-соқоли ўстан кўзойнакли чолнинг ҳаракатини кузатарди.

-Ота, Каримжон икковимиз сизга бир юмуш билан келувдик... Ўқиш вақти яқин... Қулоқчин тикиб бера-сизми, деб...

-Тушунарли, келин. Тушундим, - тикувчи кўзойнак тагидан қараб қўйди. Биласан, келин, бизнинг авлодимиз тикувчи, лекин касб этмаган. Бизники тирикчилик.

-Каримжоннинг бир-икки ой колхозда ишлаб топган озроқ бугдойи бор. Бола сизнинг борингиз, йўғингиз билан иши бўлмас экан, Ўроз ота, иложи бўлса Карим болангизга мактабга қишда кийиб борадиган



Қидирбой Тўлабоев

бош кийим тикиб берсангиз, - деди Каримнинг онаси.

Ўрозбой чол кўзойнаги тагидан печнинг қошида турган бугдойга қараб қўйди. У қондаги бугдойни чамалаб, ичидаги бугдойга кўнгли тўлмадими, яна ким билсин, ломлим демасидан қулоқчинни тика берди.

-Келин бола, замонанинг зайли билан келиб қолган экансиз, иложим йўқ, бу йи-

гитга мактабга кийиб борадиган қулоқчин тикиб бермасам бўлмайди, - деди. - Ҳар касбнинг ўзига яраша меҳнати билан бирга хуни ҳам бўлади. Биласиз, қулоқчин ўзи тикилмайди. Уни тикиш учун материал сотиб олиб, туну кун меҳнат қиласиз. Ҳа, айтгандай, қуён терисидан бўлсинми ёки тулки,- у териларни олиб кўрсатди.

-Ҳозирги аҳвол ўзингизга маълум. Ошиб, тошиб ўтирган жойимиз йўқ. Бола учун ўтга ҳам, сувга ҳам тушар экансан. Икки челақ бугдой кўтариб келдим.

-Савдода дўстлик бўлмайди, келин. Қулоқчин нархи икки пуд бугдой. Чол гапнинг индолласини айтиб қўя қолди. Улар узоқ савдолашиб, охири икки пуд бугдойга келишди.

-Ҳой, ким бор уйда, - деб тикувчи чол бақирди. - Кишиларнинг қопини бўшатиб беринглар!

Тикувчи чол кейин қошида турган сандиқни очиб, иккита тикилган қулоқчин чиқарди. Тулки терисидан тикилган қулоқчин Каримга тўғри келди. Карим янги қулоқчинни кийиб хурсанд бўлди, онаси эса тикувчига яна икки челақ бугдой қарз бўлиб, она-бола уйларига қайтди.

Кўп ўтмай ўқиш бошланди. Қодир ва Карим бошлиқ бир тўп бола ойилари тикиб берган сумкаларини қўлтиқлаб мактабга отланишди.

УРУШДАН КЕЙИНГИ КУЗ ОЙИ



Тенгдошларнинг шжсоди

ЎЗБЕК АЁЛИ

Рўзгор ишларидан бўшамайсан ҳеч,
Сени қувонтирар фарзанд камоли.
Турмуш ташвишларин унутиб бир зум,
Қалбингга қулоқ сол, ўзбек аёли.

Ёнингда бешигинг, тилингда алла,
Дилда фақатгина фарзанд хаёли.
Мудроқ босган кўзинг ўпса арзийди,
Самодаги ой ҳам, ўзбек аёли.

Бошингда бўлса ҳам
минг бир хил ташвиш,
Бир этак боланинг келмас малолли.
Бағрингда яна бир янги авлодни,
Тарбия қиларсан, ўзбек аёли.

Токи сен яшарсан, муқаддас ерда,
Бўлмагай жаҳонда фарзанд заволи.
Бешигингда фақат, чақалоқ эмас,
Дунё тебранади ўзбек аёли.

Ғулумжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
5-гимназиянинг
11-синф ўқувчиси.



Tog'lar insonni yuksaklikka chorlaydi. Uning ko'hna bag'rida kamol topayotganlar tabiatan keng fe'l bo'ladi. Nodira murg'akligidan purviqor tog'lar soyasiga nigoh tashlab, tengdoshlaridan farqli o'laroq bulbul xonishini, tabiat uyg'oqligini ilg'ab ulg'aydi. Ilk she'rlarini yozganida boshi ko'klarga yetgudek quvondi.

Aziz o'quvchilar! Yuqoridagi satrlar she'riyat bo'stoniga kirib kelayotgan tengdoshingiz Nodira Nortoyeva haqida yozilgan. Nodira 1988 yili Parkent tumanidagi Changi qishlog'ida tug'ilgan. Hozirda tumandagi 11-maktabning 6-sinf o'quvchisi. 2000-yilda 12 yoshli qizaloqning "Ilk mo'jiza" nomli she'riy to'plami nashrdan chiqdi. Nodira bilan ushbu kitob, yozgan she'rlari haqida va boshqa mavzularda suhbatlashdik. Keling, bolajonlar, siz ham suhbatni o'qib, fikr-mulohazalaringizni bildiring.

-Nodira, ilk she'ringizni qachon yozgansiz va u qanday nomlanadi?

-Ilk she'rimni 9 yoshimda yozganman. She'rim ilm haqida bo'lganligi sababli uni "Ilm afzaldir" deb nomlaganman. Avval she'rni oila a'zolarimga o'qib berganman. Ulardan maqtov eshitib she'rimni do'stlaringa, ustozlaringa ko'rsatganman. She'r ularga ham juda yoqqan. Shundan so'ng "kim sabab", "Yulduzlar", "Ona", "G'uncha" va boshqa sherlarimni yozdim.

-Kitobingizni varaqlaganda nafaqat she'r, balki hikoya, qatralar yozishingizni ham angladim...

-To'g'ri, men faqatgina she'r yozish bilan cheklanmayman. Ilhom kelganida hikoyalar, qatralar va maqolalar ham yozib turaman.

-Ijod qilishingizda sizga kim yaqindan yordam beradi?

-Avvaliga hech kim yordam bermagan. Shoir

Ердан бўй кўтарган ниҳол нур томон талпинади. Ниҳолга нафақат самодан нур, балки заминдан сув керак бўлади. Ёш ижодкорларнинг талпинишида ҳам шу манзара намоён. Санъатни, шеърятни дилдан қадрлаган юрт фарзандлари ҳам ўша қадриятга, ўша гўзалликка талпинаверади.

Балиқчи туманидаги ёш ижодкорларнинг шеърларида ҳам она-юрт, Ватан, Аёл мадҳи ўзгача жило этибди. Мурғак дил бугун юрт қайғусида ёниб-куйиб ёзибди. Ёзганлари билан замондошларини хурсанд қилмоққа чоғланибди. Шундай экан, бу ёш дилларга фақатгина энг гўзал тилакларимизни билдирамиз.

ОНАЖОНИМ

Онажоним, онажон,
Сизни севар ҳар бир жон.
Меҳрингиз бунча буюк,
Ҳатто ётга, онажон!

Сизга дилда неки бор,
Бор меҳримни тутаман.
Шоир бўлиб Тошкентга,
Сизни олиб кетаман...

Одина МАМАДАЛИЕВА,
Ҳабибий номли
6-мактабнинг
6-синф ўқувчиси.



НЕГА ЙИГЛАМАДИН...

Бобур ватанидан қувғин бўлганда,
Кўзига ёш эмас қонлар тўлганда.
Осмондаги танҳо юлдуз сўнганда,
Нега йиғламадинг эй Боғишамол.

Бўзлаб қолди неча қора кўзлар ҳам,
Юракларга тўлган дард ва гам, алам.
Ҳеч нарса бўлолмас юракка малҳам,
Нега йиғламадинг эй Боғишамол.

Шаҳзоданг Бобурнинг неди гуноҳи,
Наҳот, Оллоҳга ҳам етмади оҳи.
Шеърят йиғлади у кетар чоғи,
Нега йиғламадинг эй Боғишамол.

Бобурсиз Андижон - Андижон эмас,
Бобурсиз бу юртни ким қилар ҳавас.
Бобурни эслаймиз лекин ҳар нафас,
Нега йиғламадинг эй Боғишамол.

Шаҳноза ҚУРБОНОВА,
С. Ҳамдамов номли гимназиянинг
6-синф ўқувчиси

she'rimni bog'chada birga
o'sgan do'stlaringa atab
yozganman.

Eng azizu mukarram,
Sirdoshim asli - onam.
Dilimga tutash, hamdam
So'ng ustoz-muallimam.
Biz o'shanda yosh edik,
Sho'xlikka bosh-qosh edik.
Do'stlar bilan bog'chada,
Kichik saylgohchada
Quvnab-quvnab o'ynardik,
O'yinchoqqa so'ylardik.
Do'stlar bo'lsak jamul-jam,
yashaymiz shodu hurrām.
Sog'inaman barchasin,
Ular qalbim parchasi.

-Do'st deganda nimani tushunasiz?

-Do'st insonning eng yaxshi va yomon kunida do'sti oldida bo'lishi. Boshiga kulfat tushganida hamdard bolgan do'st haqiqiy do'stdir.

-Sizning ham shunday do'stlaringiz bormi?

-Albatta bor. Yaqin do'stlarim Sabohat, Ozoda, Nigora. O'g'il bolalar bilan do'st bo'lolmayman. Ular bilan tez-tez urushib qolaman.

-Nodira, katta bo'ganingizda kim bo'lmoqchisiz?

-Katta bo'lsam diplomat bo'laman. Bo'sh vaqtlarimda she'rlar yozaman. Maqsadim vatanim O'zbekistonni jahonga tanitish.

-Suhbatingiz uchun rahmat. Barcha ezgu niyatlaringiz ro'yobga chiqsin.

GULYUZ suhbatlashdi.

ILK MO'JIZA

Abdulla Oripov she'rlarini, Tursunoy Sodiqovanning kitoblarini mustaqil o'qidim. O'qiganlarimdan ilhomlanib sekin-asta o'zim ham mashq qila boshladim. Yozgan mashqlarimni ustozim Rahmonberdi Noraliyevga ko'rsatdim. Ustozim yozganlarimni ko'rib maktabimizdagi "Jilg'a" to'garagiga qatnashishimni maslahat berdilar. To'garakda rahbarimiz Nigora opa Jalolova boshchiliklarida she'r vaznlarini o'rgandim. Yana mashhur shoirlar hayoti va ijodi bilan yaqindan tanishdik. Haftada bir marotaba bo'ladigan to'garak mashqlarini sabsizlik bilan kutadigan bo'ldim.

-She'rlaringiz orasida o'zingizga ko'proq manzur bo'ladiganini aytib bera olasizmi?

-Eng yaxshi ko'rgan she'rim "Do'stlarim" deb nomlanadi. Ushbu

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ҳотам АБДУРАИМОВ,
Муқаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусада босилди. Ҳажми 2
босма табоқ.
Буюртма - К-8356
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Муҳаррама
ПИРМАТОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.

Тел: 144-62-34.